

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАТОВ ИДРОК ИЛХОМОВИЧ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ МУДДАТДА ШИРИН  
МАККАЖЎХОРИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.08–Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон-2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural  
sciences**

**Рахматов Идрок Илхомович**

Бухоро вилояти шароитида такрорий муддатда ширин маккажўхори  
етиштириш технологиясини такомиллаштириш ..... 3

**Рахматов Идрок Илхомович**

Совершенствование технологии выращивания сахарной кукурузы при  
посеве в качестве повторной культуры в условиях Бухарской  
области..... 21

**Rakhmatov Idrok Ilkhomovich**

Improving the technology of growing sweet corn on the recurring term in the  
conditions of Bukhara region..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАТОВ ИДРОК ИЛХОМОВИЧ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ МУДДАТДА ШИРИН  
МАККАЖЎХОРИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон-2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Qx422 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.ddeiti.uz](http://www.ddeiti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Санаев Собир Тойирович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Таджиев Карим Марданакулович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

**Азизов Қобилжон Қахрамонович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори,  
катта илмий ходим.

**Етақчи ташкилот:**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти хузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_, соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: [ddeiti19@mail.ru](mailto:ddeiti19@mail.ru); Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.И.Сиддиқов,**  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.х.ф.д.,  
профессор.

**Т.Э.Наджимов,**  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш котиби, к.х.ф.д.

**С.О.Абдурахмонов,**  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.х.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда ширин маккажўхори “дунё деҳқончилигида 1,870 млн гектар майдонга экилиб, умумий ҳисобда 30,2 млн тоннага яқин сўта ҳосили етиштириб келинмоқда”<sup>1</sup>. Бу эса гектаридан ўртача 15,4-15,8 тонна сўта ҳосили етиштириб келинаётганлигини билдиради. “Дунёда ширин маккажўхори етиштиришда етакчи давлатларга АҚШ (2,0-2,5 млн тонна), Хитой (1,0-1,4 млн тонна), Бразилия (0,7-0,8 млн тонна) каби мамлакатларни киритиш мумкин бўлиб, ушбу давлатларда дунёда етиштирилаётган ширин маккажўхорини 65-70 фоизини етиштириб келмоқда”<sup>2</sup>. Дунё аҳолисини ширин маккажўхори озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эhtiёжларини йил давомида бир меъёردа қондиришда тезпишар, ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган янги авлод навларини яратиш ва ушбу навларни минтақалар кесимида экиш муддатлари ҳамда мақбул кўчат қалинликларини ўрганиш ва етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ривожланган бир қатор давлатларда аҳолини озиқ-овқат рационини яхшилаш ва сифатли маҳсулотлар билан бойитиш мақсадида оқсилга бой бўлган дуккакли экинлар ва сабзавотлар билан бир қаторда ширин маккажўхорининг янги авлод навларини яратиш ва хорижий мамлакатлардан интрадукция қилиш, улардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиши негизида дунёда озиқ-овқат етиштириш ва импорт қилиш салмоғи йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу эса бугунги кунда дунёда глобал иқлим ўзгариши юз бераётган бир даврда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамизда сўнгги йилларда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмол рационини яхшилаш ҳамда талаб этилган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни жалб этиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқон ва фермер хўжаликларининг даромадини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январида “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”<sup>3</sup> тўғрисидаги ПФ-60-сонли фармонида белгилаб берилган 3 устувор йўналиши 30 мақсадида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг

<sup>1</sup> <https://latifundist.com/rating/top-10-stran-po-vyrashchivaniyu-kukuruzy-v-2019-godu>

<sup>2</sup> [www.fao.org](http://www.fao.org)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январида “2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони

йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” вазифаси белгилаб берилган.

Ушбу диссертация иши доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3978-сонли қарори, 2019 йил 23-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 сонли фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республикамиз фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ширин маккажўхори дунёда кўплаб мамлакатларида катта майдонларда етиштирилади, ушбу экинни турли минтақаларда, тупроқ-иқлим шароитларида етиштириш технологияларини такомиллаштириш ҳамда унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича хорижий мамлакатларда Alyssa B. Evalle, Ronald David Gitaitis, Mloza-Banda, Ali Shahriari, Mandefro Nigussie Woldemariam, Philip R. Greyson, Patrick Cortbaoui, Henry R. Ambekar Amar Ganpat, Kristina Molna’r, Luke N.Hansen, В.В.Брижак, А.С.Елисеев, М.И.Рычкова, А.А.Капутин, Ўзбекистонда эса Т.Э.Остонақулов, Ф.Х.Абдуллаев, Р.Ф.Мавлянова, С.Х.Нарзиева, С.Т.Санаев, Х.Бекназарова, Ш.О.Бурхонов, И.А.Сапарниязов ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Ушбу муаллифлар томонидан ширин маккажўхори навлари селекцияси, уларни етиштириш учун қулай экиш муддатлари, схемалари, мульчалаш, ўғитлаш технологиялари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, ширин маккажўхорининг янги яратилган маҳаллий ҳамда хорижий нав ва дурагайлари Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқ-иқлим шароитида ҳар хил экиш муддатлари ва экиш схемаларида такрорий экин сифатида ўстириш бўйича етарлича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети, Агрономия ва тупроқшунослик кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Қишлоқ хўжалик экинларидан арзон, мўл ва сифатли ҳосил олиш учун замонавий ресурс тежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ширин маккажўхорини нав ва дурагайлари такрорий экин сифатида ўстирилганда турли экиш муддати ва

схемаларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ширин маккажўхорининг такрорий экин сифатида ўстиришга мос нав ва дурагайларини ўрганиш;

экиш муддати ва схемаларининг такрорий экин сифатида етиштирилган ширин маккажўхорининг униб чиқиши, туп сони ва ривожланиш даврларининг давомийлигига таъсирини аниқлаш;

ширин маккажўхорининг илдиз тизимининг шаклланиши, ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик фаолиятининг экиш муддати ва схемаларига боғлиқлигини ўрганиш;

такрорий экинда мақбул экиш муддати ҳамда экиш схемасининг ширин маккажўхори нав ва дурагайларини маҳсулдорлиги ва сўта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида ширин маккажўхори етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлар, ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлари, экиш муддатлари ҳамда экиш схемалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, ширин маккажўхори нав ва дурагайлари кузги буғдойдан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида турли экиш муддатлари ҳамда схемаларида етиштирилганда ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий-тадқиқот ишларида дала ва лаборатория тадқиқотларини ўтказиш, ўсимликлардаги фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методы агрохимических анализов почв и растений”, “Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услуби бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ширин маккажўхорининг нав ва дурагайларини такрорий экин сифатида экиб етиштиришнинг мақбул муддат ва экиш тизимлари ишлаб чиқилган;

юқори ва сифатли сўта ҳосили олиш учун ширин маккажўхорининг нав ва дурагайларини 05.07 муддатида 60x30x1, 70x25x1 тизимларда экиш юқори самара бериши исботланган;

ширин маккажўхори нав ва дурагайларини 60x30x1 схемада экиб парвариш қилинганда бир сўта оғирлиги 327,6-363,0 г, 70x25x1 схемада экиб

парвариш қилинганида бир сўта оғирлиги 207,0-269,9 г бўлган товарбоп ҳосил етиштириш имконияти яратилиши асосланган;

ширин маккажўхорининг нав ва дурагайларини 5 июл экиш муддатида ва 60x30x1, 70x25x1 экиш схемаларида парваришланганда сўталарнинг сут-мум пишиш даври 2-4 кунга узайганлиги аниқланган;

Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқ-иқлим шароитида ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлари такрорий экин сифатида мақбул экиш муддати (05.07) ва экиш схемалари (60x30x1, 70x25x1)да экилганда ширин маккажўхори нав ва дурагайларидан 0,7-2,8 тоннагача қўшимча сўта ҳосил етиштирилиши илмий асосланиб, шу тупроқларга мос экиш муддати ва экиш схемалари аниқлаб берилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Бухоро вилояти ўртача шўрланган, ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида ширин маккажўхорининг “Маза”, “Замин” навлари ҳамда “Megaton F<sub>1</sub>” ва “Union F<sub>1</sub>” дурагайларини парваришlash агротехникаси (экиш муддатлари, экиш схемалари) ишлаб чиқилган;

Такрорий экин сифатида ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлари 5 июл муддатида, 60x30x1 ва 70x25x1 экиш схемаларида экилганда Маза (10,1-10,7 т/га), Замин (10,4-11,2 т/га) навлари ҳамда Megaton F<sub>1</sub> (12,6-13,5 т/га) ва Union F<sub>1</sub> (13,6-14,4 т/га) дурагайларидан юқори ва сифатли товар сўта ҳосили олишга эришилган;

Ушбу шароитда ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлари 5 июл муддатида, 60x30x1 ва 70x25x1 экиш схемаларида парваришланганда энг юқори дон чиқими Маза ва Замин навларида 65,9-69,9% ҳамда Megaton F<sub>1</sub> ва Union F<sub>1</sub> дурагайларида 67,6-69,1% ни ташкил этган;

Ширин маккажўхорининг 4 та нав ва дурагайларини мақбул экиш муддатлари ҳамда қулай экиш схемаларида ўстириш ҳисобига гектаридан 15,1-22,7 ва 16,0-25,0 млн сўмгача соф фойда олиниб, 99,7-129,8 ва 112,1-142,4% рентабеллик даражасига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Лаборатория ва дала тажрибалари мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларини халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ширин маккажўхорининг “Маза”, “Замин” навлари ва “Megaton F<sub>1</sub>”, “Union F<sub>1</sub>” дурагайларидан юқори ва сифатли сўта ҳосили олишда парваришlash

агротехникасига оид мақбул экиш муддати ва экиш схемалари ишлаб чиқилган. Бунда, экиш муддатлари ва экиш схемаларини маккажўхорининг униб чиқиши, туп сони, поя, барг, илдиз тизимининг шаклланиши, фотосинтетик фаолияти, ўсув даври, ўсимлик бўйи, бир туп ўсимлик массаси, сўта узунлиги ва диаметри, сўтадаги донлар сони ва вазни, сўта ҳосилдорлиги каби кўрсаткичларига таъсири илмий асосланганлиги ҳамда экиш муддатлари, экиш схемаларини ширин маккажўхори биометрик ва морфологик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ўртасидаги корреляция коэффициенти ( $r$ ) аниқланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ширин маккажўхорининг “Маза”, “Замин” навлари ва “Megaton F<sub>1</sub>”, “Union F<sub>1</sub>” дурагайларини мақбул мақбул экиш муддати (5 июл), экиш схемалари (60x30x1, 70x25x1) аниқлаб берилиб, улардан юқори ва сифатли сўта ҳосили олиш агротехникаси ишлаб чиқилган. Ушбу парваришlash агротехнологияси элементларини ширин маккажўхори етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига жорий этилиши орқали юқори сўта ҳосили етиштирилиб, иқтисодий самарадорлик даражаси ошганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ширин маккажўхорининг нав ва дурагайларини такрорий экин сифатида турли экиш муддати ва экиш схемаларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Деҳқон ва фермер хўжаликлари учун “Бухоро вилояти шароитида такрорий экин сифатида ширин маккажўхори ўстириш” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 13.06.2023 йилдаги №05/23-05/2873-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларида ширин маккажўхори навларини етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда;

Ширин маккажўхори нав ва дурагайларини такрорий экин сифатида турли муддат ва схемаларда экиб етиштириш технологияси Бухоро тумани “Зариф ота” фермер хўжалигида 9,3 гектар, “Идрис Саид Миришкор” фермер хўжалигида 4,9 гектар, “Азизобод Эркин Махмуд” фермер хўжалигида 4,4 гектар, “Бафо Мардон Шариф” фермер хўжалигида 2,6 гектар, “Карим Шахзод” фермер хўжалигида 2,1 гектар, Вобкент тумани “Боқиев Ислон” фермер хўжалигида 3,9 гектар, “Зиё Бақо Замини” фермер хўжалигида 3,2 гектар, “Иззат Самандар Нормурод” фермер хўжалигида 3,7 гектар, “Ботир Фаррух Гулнора” фермер хўжалигида 4,0 гектар, Гиждувон тумани “Дилшод Мироншоҳ саҳовати” фермер хўжалигида 2,6 гектар, “Рамазон Солиев Сардор” фермер хўжалигида 3,5 гектар, “Рўзиқул бобо” фермер хўжалигида 3,7 гектар, жами 47,9 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 13.06.2023 йилдаги №05/23-05/2873-сонли маълумотномаси). Натижада уруғларни 5-июл муддатида 60x30-1 ва 70x25-1 схемаларда экиб

етиштирилганида юқори самарадорликка эришилган;

**Ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлари уруғларини 5-июл муддатида 60x30-1 ва 70x25-1 схемаларда экиб етиштириш технологияси** Бухоро, Вобкент, Гиждувон туманларида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 13.06.2023 йилдаги №05/23-05/2873-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали сўта ҳосилдорлиги уруғлар 60x30-1 схемада экиб етиштирилганида 9,8-13,1 т/га, 70x25-1 схемада экиб етиштирилганида 10,3-14,1 т/га ни ташкил этиб, рентабеллик даражаси 60x30-1 схемада экиб етиштирилганида 99,1-126,9 фоизга, 70x25-1 схемада экиб етиштирилганида 110-140,1 фоизга ортишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили Бухоро давлат университети томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар ҳар йили университетнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари 5 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган ҳамда 1 та тавсиянома нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва усуллари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва натижаларнинг ишончлилиги илмий асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши ҳамда апробацияси, эълон қилинган ишлар, диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ширин маккажўхори (*Zea Mays ssp.saccharata*) ўсимлигининг келиб чиқиши, аҳамияти ва етиштириш технологиясига оид илмий манбалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ширин маккажўхорини келиб чиқиши, тарқалиши, нав ва дурагайлارнинг биологик хусусиятлари, ташқи муҳит омилларига бўлган муносабати ҳамда ҳар хил экиш муддатлари ва экиш схемаларида етиштириш технологиясига оид нашр қилинган хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар шарҳи батафсил

таҳлил қилинган. Илмий адабиётлар таҳлили доирасида хулоса қилиниб, ширин маккажўхорининг районлаштирилган ҳамда истиқболли нав ва дурагайлари Бухоро вилояти шароитида такрорий экин сифатида ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлигини экиш муддатлари ҳамда экиш схемаларининг боғлиқлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарур эканлиги келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услуги”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг географик жойлашуви, тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услублари, тажрибада ўрганилган ширин маккажўхори нав ва дурагайлари тавсифи ҳамда ўтказилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Дала тажрибалари 2019-2021 йилларда Бухоро вилояти Бухоро тумани “Идрис Саид Миришкор” фермер хўжалигининг ўртача шўрланган, ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида 18 та вариантда, уч ярусда, тўрт қайтариқда олиб борилган. Бунда ширин маккажўхорининг 4 та Маза, Замин навлари ва Megaton F<sub>1</sub>, Union F<sub>1</sub> дурагайлари ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига турли экиш муддатлари (25.06, 5.07, 15.07) ҳамда экиш схемаларининг (60x20x1, 60x25x1, 60x30x1, 70x20x1, 70x25x1, 70x30x1) таъсири ўрганилган. Тажриба даласи тупроқлари ўтлоқи аллювиал тупроқлар бўлиб, ҳайдалма қатламда (0-30 см) гумус миқдори ўртача 1,20 %, ялпи азот 0,092 %, фосфор 0,24 %, калий 1,56-1,03 %, ҳаракатчан фосфор 31,26 мг/кг, калий эса 240,41 мг/кг ни ташкил этган. Тажрибада тупроқнинг агрохимёвий таҳлилида гумус миқдори Тюрин, умумий азот, фосфор ва калий Мальцев-Гриценко бўйича, N-NO<sub>3</sub>(мг/кг) Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий П.В.Протасов усулида аниқланган.

Тадқиқотлар ўтказилган даврда асосан йилнинг июн ва июл ойида энг иссиқ ҳаво ҳарорати кузатилиб, ўртача +28,3; +32,5 °C ни, ҳароратнинг совиб кетиши эса январ, декабр ойларида қайд этилиб, ҳаво ҳарорати +1,5; + 0,6 °C ни ташкил этган. Ёғингарчилик миқдори 2019 йилда 156,9 мм, 2020 йилда 175,1 мм, 2021 йилда эса 59,5 мм ни ташкил этиб, энг кўп ёғингарчилик март (10,9-28,5 мм), апрел (90,2-40,5 мм) ойларида кузатилган.

Диссертациянинг **“Такрорий экинда ширин маккажўхорини мақбул экиш муддатлари ва экиш схемаларини танлаш”** деб номланган учинчи бобида ширин маккажўхорини Маза, Замин, Megaton F<sub>1</sub>, Union F<sub>1</sub> каби нав ва дурагайлари Бухоро вилояти ўртача шўрланган тупроқ иқлим шароитида такрорий экинда турли муддатларда ва турли экиш схемаларида экиб етиштирилганда уруғларнинг униб чиқиши, ўсиш-ривожланиш фазаларнинг давомийлиги, илдиз тизимининг шаклланиши, фотосинтетик фаолияти, ҳосил элементларининг шаклланиши, маҳсулдорлик ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари тўлиқ баён этилган. Тажрибаларда ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлари такрорий экин сифатида 3 та муддат 25.06, 5.07, 15.07 саналарида ва 6 та экиш схемаларида 60x20x1, 60x25x1, 60x30x1, 70x20x1, 70x25x1, 70x30x1 парваришланганда уруғларнинг униб чиқиши барча экиш муддати ва экиш схемаларида бир вақтда яъни, Маза навида 7 кун, Замин

навида 6 кун, Megaton F<sub>1</sub> дурагайида 7 кун, ва Union F<sub>1</sub> дурагайида 6 кунни ташкил қилган. Тажрибада ўрганилган ширин маккажўхори нав ва дурагайлари ўсимликларида биринчи барг 2 кун, иккинчи барг 2 кун, учинчи барг 1 кун, еттинчи барг 11-13 кун оралиғида шаклланган, еттинчи барг шаклланишидан рўваклашгача бўлган оралик 27-31 кун давом этган. Такрорий экинда етиштирилган ширин маккажўхори нав ва дурагайлари ривожланиш фазалари давомийлигида еттинчи барг шаклланишигача экиш муддати ёки экиш схемасининг таъсири сезилмаганлиги қайд этилиб, рўваклаш фазасига келиб эса, ривожланиш фазаларининг давомийлиги экиш муддати ва экиш схемасига боғлиқ ҳолда қисман фарқланган. Нав ва дурагайлари рўваклашдан сўталарнинг ҳосил бўлишигача 5-10 кун, оналик гулларининг ҳосил бўлишигача 2-4 кун, сўталарнинг сут пишиш фазагача 15-17 кун, мум пишиш фазасигача 4-7 кун, тўла пишиш фазасигача 6-8 кун давом этган. Ширин маккажўхори нав ва дурагайлари ўсимликлари такрорий экинда етиштирилганда 05.07 экиш муддати ва 60x30x1 ва 70x25x1 экиш схемаларида парваришланганда сўталарнинг ҳосил бўлиши, сўталарнинг сут пишиш ва мум пишиш каби ривожланиш фазалари кеч шаклланиб, давомийлиги 2-3 кунгача, амал даври эса 4-6 кунгача узайганлиги қайд этилган.

Ўрганилган ширин маккажўхори Маза ва Замин навларининг ўсув даврида тупроқ ҳайдов (0-30 см) қатламида бир туп ўсимликда (2019-2021 йй) энг кўп илдиз тизимини шаклланиши 5 июлда 60x30x1 ва 70x30x1 см схемада экилган вариантларда қайд этилган ва назорат вариантларга нисбатан Маза навида (йиллар ва экиш муддатлари бўйича) бир туп ўсимлик илдизининг куруқ вазни 39,6-41,1 ёки 3,0-3,1 граммга; бу кўрсаткич Замин навида тегишлича: 40,4-41,6 ёки 3,2-3,1 граммга кўп эканлиги аниқланган. Ҳайдов ости (30-50 см) қатламда навлар бўйича илдиз тизимини шаклланиши ўрганилган турли экиш муддатлари ва схемаларида (2019-2021 йй) вариантларда 7,5-9,8 граммни ташкил этган.

Олинган маълумотларга кўра, такрорий экин сифатида ширин маккажўхори Маза ва Замин навларининг ўсув даврида илдиз тизимини шаклланиши турли экиш муддатлари ва схемаларида (2019-2021 йй) вариантлар бўйича 5 июлда экиш қулай муддат бўлиб, илдизлар йирик бўлиб ривожланиши экиш схемасида ўсимлик туп оралиғи (60x30x1, 60x30x1 70x30x1) кенгайтирилган сайин, илдиз вазнини ортиб боришини таъминлаган.

Ширин маккажўхори Megaton F<sub>1</sub> ва Union F<sub>1</sub> дурагайлари турли экиш муддатлари ва схемаларида (2019-2021 йй) вариантлар бўйича ўсув даврида тупроқ ҳайдов (0-30 см) қатлимида бир туп ўсимликда (2019-2021 йй) энг кўп илдиз тизимини шаклланиши ўрганилганда ҳам ушбу юқоридаги қонуниятлар қайд этилганлиги аниқланган. Юқори кўрсаткичлар ширин маккажўхори уруғлари 5 июлда 60x30x1 ва 70x30x1 см схемада экилган вариантларда қайд этилиб, назорат вариантларга нисбатан Megaton F<sub>1</sub> дурагайида (йиллар ва экиш муддатлари бўйича) бир туп ўсимлик илдизининг куруқ вазни 40,6-42,8 ёки 2,7-3,6 граммга; Union F<sub>1</sub> дурагайида тегишлича, 41,5-43,7 ёки 2,3-3,4

граммга юқори бўлган.

Маълумотларга кўра, Маза нави 2019 йилда турли экиш муддатлари ва турли экиш схемалари ўстирилганда биометрик кўрсаткичларидан ўсимлик бўйи, барг сони, барг эни, барг узунлиги, барг сатҳи ҳамда бир гектардаги барг сатҳи таҳлил қилинган. Бунда 25 июн санасида уруғлар экилганда ўсимлик бўйи экиш схемаларига боғлиқ равишда 151,5-174,6 см; 5 июлда экилган муддатда 155,0-179,3 см, 15 июлда экилганда эса 148,0-170,7 см ни ташкил этганлиги кузатилган. Тажриба натижаларга кўра, ўсимлик бўйи экиш муддатларига боғлиқ равишда 3,5-8,6 см га фарқланган. Ушбу экиш муддатида 60x20x1, 60x25x1 ва 60x30x1 схемада экилганда барг сони 16,0-16,5 дона, барг эни 6,2-6,6 см, барг узунлиги 60,7-64,2 см, бир туп ўсимлик барг сатҳи 4034,4 - 4684,2 см<sup>2</sup>, бир гектардаги барг сатҳи тегишли равишда 20844,8-25819,9 м<sup>2</sup> бўлганлиги аниқланган. Шунингдек, 70x20x1, 70x25x1 ва 70x30x1 схемада уруғлар экилганда бир туп ўсимликда барглар сони 16,1-16,7 дона, барг эни 6,3-6,9 см, барг узунлиги 61,6-66,8 см, барг сатҳи 4186,2-5157,2 см<sup>2</sup> ни ташкил этган. Бир гектардаги барг юзаси эса, экиш схемаларига боғлиқ ҳолда 19803,8-23024,2 м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, ўсимликларни экиш схемаси қисқарган сайин бир туп ўсимлик барг сатҳи камайганлиги, бир гектардаги барг сатҳи эса ортганлиги кузатилган.

Шунингдек, 5 июл санасида ширин маккажўхори Маза нави уруғлари экилганда барг сони (16,2-16,8 дона), барг эни (6,3-7,1 см), барг узунлиги (61,8-68,8 см), барг сатҳи (4225,9-5498,3 см<sup>2</sup>) ва бир гектардаги барг сатҳи (21388,5-27299,3 м<sup>2</sup>) бошқа экиш муддатларига нисбатан юқори бўлганлиги қайд этилган. Маза нави 15 июлда турли экиш схемаларида ўстирилганда эса, биринчи ва иккинчи экиш муддатларига нисбатан кам вегетатив органлари кузатилганлиги қайд этилган. Бир туп ўсимликда тегишлича 15,6-16,4 дона барг, 5,9-6,4 см барг эни, 58,8-65,4 см барг узунлиги шаклланиб, шунга мос равишда 3626,0-4599,1 см<sup>2</sup> барг сатҳи шаклланган. Ушбу экиш муддатида экиш схемаларига боғлиқ ҳолда бир гектарда 17936,6-23387,8 м<sup>2</sup> барг сатҳи шаклланганлиги аниқланган.

Ширин маккажўхорининг Замин нави 3 та экиш муддати ва 6 та экиш схемасида етиштирилганда бир туп ўсимликда шаклланган барг сони ўртача 22,2-23,2 дона, барг эни 5,2-5,7 см, барг узунлиги 52,2-58,5 см, барг сатҳи 4073,8-5183,1 см<sup>2</sup> ни ташкил этган. Тажрибада ўсимликларни экиш схемаси яъни озиқланиш майдонини кенгайтириши ҳисобига барг сони 1,1-1,4 дона, барг узунлиги 3,9-5,4 см, барг сатҳи 1074,2-1045,2 см<sup>2</sup> га кўп бўлганлиги аниқланган. Ширин маккажўхорининг Замин нави уруғлари 5 июлда экилганда, бир туп ўсимликда барг сони 22,6-24,1 дона, барг эни 5,4-5,8 см, барг узунлиги 55,6-60,4 см, барг сатҳи 4587,9-5566,8 см<sup>2</sup> ни ташкил этган.

Шунингдек ушбу нав турли экиш схемаларида 15 июлда экилганда эса, барг сони (22,2-23,5 дона), барг эни (5,0-5,4 см), барг узунлиги (50,8-56,5 см), барг сатҳи (3778,0-4765,4 см<sup>2</sup>)нинг ҳамда бир гектардаги барг сатҳининг камайиши аниқланган.

Тадқиқот йилларида ўрганилган нав ва дурагайлар орасида энг кам барг

сони, барг сатҳи ва бир гектардаги барг сатҳини шаклланиши Megaton F<sub>1</sub> дурагайида кузатилган. Шунингдек, 25 июнда турли экиш схемаларида Megaton F<sub>1</sub> дурагайи ўстирилганда бир туп ўсимлик барг сони 11,6-13,2 дона, барг эни 6,2-7,1 см, барг узунлиги 60,7-71,2 см, барг сатҳи 2908,4-4481,4 см<sup>2</sup> бўлганлиги аниқланган. Тегишлича бир гектардаги барг сатҳи 15117,0-19532,0 м<sup>2</sup> ни ташкил этган.

Megaton F<sub>1</sub> дурагайи уруғлари 5 июл санасида қатор ораси 60 см, қатордаги ўсимликлар ораси 20, 25, 30 см да экилганда ўсимликларда ўртача барг сони 12,3-12,9 дона, барг эни 6,6-7,0 см, барг узунлиги эса 65,1-70,3 см, барг сатҳи 3540,8-4243,3 см<sup>2</sup> ни ташкил этган. Ушбу экиш муддати ва экиш схемаларида бир гектардаги барг сатҳи тегишлича 16174,9-22873,7 м<sup>2</sup> ни ташкил этиб, бир туп ўсимликдаги барг сатҳи ҳамда бир гектардаги барг сатҳи энг юқори бўлиши туп сонини ортишига боғлиқ бўлган. Ширин маккажўхорининг Megaton F<sub>1</sub> дурагайи уруғлари 15 июлда экилганда барг сони, эни, узунлиги, сатҳи ҳамда бир гектардаги барг юзасини шаклланишида 25 июн ва 5 июл муддатдаги қонуният сақланиб қолган.

Ширин маккажўхорининг Union F<sub>1</sub> дурагайи такрорий экин сифатида.. 25 июнда 60x20x1 схемада ўстирилганда бошқа экиш схемаларига нисбатан энг кам барг сони (17,1 дона), барг эни (6,7 см), барг узунлиги (63,0 см) ва барг сатҳи (4804,6 см<sup>2</sup>) шаклланганлиги кузатилиб, барг сони, барг эни, узунлиги ва сатҳининг энг юқори бўлиши 60x30x1 схемада экилганда қайд этилиб, тегишлича 17,7 дона; 6,9 см; 67,2 см; 5462,7 см<sup>2</sup> ни ташкил этган. Қатор ораси 70 см, қатордаги ўсимликлар ораси 20, 25, 30 см да экилганда эса, ўсимликларда барг ва барг сатҳини шаклланиши бўйича энг юқори кўрсаткичлар 70x25x1 ва 70x30x1 схемаларида қайд этилган. Ушбу экиш схемалари орасида 70x20x1 схемасида ўстирилганда барг сони, эни, узунлиги ва сатҳи нисбатан паст бўлганлиги аниқланиб, мос равишда 17,2 дона, 6,8 см, 64,5 см ёки 5024,2 см<sup>2</sup> ни ташкил этган.

Ширин маккажўхорининг Union F<sub>1</sub> дурагайи уруғлари 5 июлда 6 та экиш муддатларида экилганда ўсимликларда барг сони ва барг сатҳи билан боғлиқ кўрсаткичлар бошқа экиш муддатларига нисбатан энг юқори бўлганлиги аниқланган. Шунингдек, барг сони, сатҳи ва бир гектардаги барг сатҳининг шаклланиши 15 июлда экилган муддатда энг паст бўлган.

Тажрибаларда 2019-2021 йиллар мобайнида суғориладиган ўртача шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида турли экиш муддати ва экиш схемаларида такрорий экин сифатида ширин маккажўхори навлари экиб ўстирилганда куруқ модда, барг сатҳи, фотосинтетик потенциал, фотосинтетиз соф маҳсулдорлиги ўрганилган.

Тажриба ўтказилган 2019-2021 йилларда ширин маккажўхори Маза навида йиллар бўйича 5 июлда 60x20x1 экиш схемасида экилган вариантларда назорат (60x25x1) вариантга нисбатан барг сатҳи 2,17- 3,17 м<sup>2</sup>/га. га юқори бўлган бўлса, фотосинтетик потенциал эса ушбу экиш муддатида 25.06 ва 15.07 экиш муддатлари ва схемаларига нисбатан 2,01-2,22 млн. м<sup>2</sup>/га\*кунга юқори бўлганлиги қайд этилган.

Ўрганилган ширин маккажўхори Маза навида 5 июлда экилган вариантда барг сатҳи йиллар бўйича назорат (60x25x1) варианты ва 70x25x1 схемаларда экилган вариантларга нисбатан тегишлича: 24,77; 23,91; 24,31 м<sup>2</sup>/га 70x20x1 схемада фотосинтетик потенциал эса, 1,96-2,06; 1,91-1,92; 1,98-2,04 млн. м<sup>2</sup>/га\*кунга юқори эканлиги аниқланган.

Турли экиш муддат ва схемаларда ўрганилган ширин маккажўхори Маза навида фотосинтез маҳсулдорлик кўрсаткичида ижобий натижа қайд этилиб, йиллар бўйича вариантларда тегишлича: 3,22-4,27; 3,38-4,19; 3,29-4,11 г/м<sup>2</sup>\*суткани ташкил этган. Ўрганилган турли экиш муддати ва схемаларда ширин маккажўхори Маза навида куруқ модда (6,19-7,49 тонна/га) миқдорининг йиллар давомида ортиб бориши кузатилган.

Ушбу қонуният ўрганилган ширин маккажўхори Замин нави ва Megaton F<sub>1</sub>, Union F<sub>1</sub> дурагайларида ҳам кузатилиб, куруқ модда миқдорини кўпайиб бориши аниқланган. Ширин маккажўхори Замин навида 5 июлда 60x20x1 схемада экилган вариантда энг юқори барг сатҳи кузатилиб, 33,34; 26,43; 22,98 м<sup>2</sup>/га ни, фотосинтетик потенциал 2,57; 2,09; 1,82 млн. м<sup>2</sup>/га\*кунни ташкил этиб, назорат (60x25x1; 70x20x1) вариантларга нисбатан (экиш муддати, схемаси ва йиллар бўйича) барг сатҳи 9,9-11,82; 0,76-6,17; 0,06-1,41 м<sup>2</sup>/га кўп бўлганлиги аниқланган. Ушбу навда турли экиш муддат ва схемалари бўйича (2019-2021 йй) ўрганилган вариантларда фотосинтез маҳсулдорлиги 2,80-4,67; 3,07-4,27; 3,34-4,21 г/м<sup>2</sup>\*суткани ташкил этган.

Тажрибаларда ширин маккажўхори Megaton F<sub>1</sub> ва Union F<sub>1</sub> дурагайлари турли экиш муддати ва схемаларда экиб фотосинтетик фаолияти ўрганилган. Megaton F<sub>1</sub> дурагайи 5 июлда 60x20x1 схемада экиб ўрганилган вариантларда йиллар (2019-2021 йй) бўйича энг юқори барг сатҳи 22,87; 21,46; 25,04 м<sup>2</sup>/га бўлиб, фотосинтетик потенциал тегишлича: 1,72; 1,63; 1,93 млн. м<sup>2</sup>/га\*кун ташкил этиб, назорат (экиш муддати, схемаси ва йиллар бўйича) вариантларга нисбатан барг сатҳи тегишлича: 1,24-5,4; 0,58-4,28; 2,36-7,79 м<sup>2</sup>/га юқори бўлишини таъминлаган.

Олинган таҳлилларга кўра, ширин маккажўхори Megaton F<sub>1</sub> дурагайининг фотосинтез маҳсулдорлик кўрсаткичи (экиш муддатлари, схемалари, йиллар бўйича) 4,37-5,65; 4,24-5,51; 4,31-5,45 г/м<sup>2</sup>\*суткани ташкил этиб, ўрганилган навларга нисбатан энг юқори бўлганлиги қайд этилган. Union F<sub>1</sub> дурагайи 5 июлда 60x20x1 схемада экилган вариантда йиллар (2019-2021 йй) бўйича энг юқори барг сатҳи 33,25 ёки 4,94-6,78; 29,41 ёки; 25,04 м<sup>2</sup>/га бўлиб, фотосинтетик потенциал тегишлича: 1,72; 1,63; 1,93 млн. м<sup>2</sup>/га\*кун ташкил этиб, назорат (экиш муддати, схемаси ва йиллар бўйича) вариантларга нисбатан барг сатҳи тегишлича: 1,24-5,4; 0,58-4,28; 2,36-7,79 м<sup>2</sup>/га юқори бўлишини таъминлаган. Ширин маккажўхори Union F<sub>1</sub> дурагайининг фотосинтез маҳсулдорлик кўрсаткичи (экиш муддатлари, схемалари, йиллар бўйича) 4,00-5,03; 4,00-5,11; 4,02-5,27 г/м<sup>2</sup>\*суткани ташкил этганлиги аниқланган.

Такрорий экин сифатида ширин маккажўхори нав ва дурагайлари етиштирилганда экиш муддати ва экиш схемаларига боғлиқ равишда 1-чи ва

2-чи сўта узунлиги 22,5-27,8; 21,8-24,5 см, сўта диаметри 4,5-6,0; 4,2-5,5 см, сўтанинг айланасидаги дон қаторлар сони 14,5-22,5; 14,0-20,6 та, сўтанинг бир қаторидаги донлар сони 34,9-48,7; 34,1-42,5 донани ташкил этган.

Ширин маккажўхори Маза, Замин навлари ва Megaton F<sub>1</sub>, Union F<sub>1</sub> дурагайларида сўта шаклланишида экиш муддати ва экиш схемасининг сезиларли даражада таъсир этиб, Union F<sub>1</sub> дурагайида 25.06, 5.07, 15.07 экиш муддатларида дастлабки сўталарнинг вазни 400,1-456,2 г; 410,2-470,1 г; 338,7-443,5 г гача ортиб борган. Тажрибада шаклланган 2-чи сўталарнинг вазни 25.06 муддатда экилган вариантда 279,2-302,4 г, 05.07 да экилган вариантда эса, 301,8-315,1 г бўлиб, кеч 15.07 муддатда экилган вариантларда эса 2-чи сўталар тўлиқ шаклланмай қолганлиги кузатилган. Union F<sub>1</sub> дурагайида энг юқори вазли дастлабки 1-сўталар шаклланиши 05.07 да 60x25x1, 70x20x1 ва 70x30x1 схемаларда экилган вариантларда қайд этилиб, дастлабки сўталар вазни қобиғи билан ўлчанганда ўртача 467,9-470,1 граммни ташкил этган. Ушбу муддатда (05.07) шаклланган 2-чи сўталар ҳам вазнининг юқорилиги бўйича бошқа вариантларга нисбатан устунлик қилиб, 310,9-315,1 г бўлганлиги қайд этилган. Union F<sub>1</sub> дурагайида 05.07 да етиштирилган 1-чи ва 2-чи сўталар қобиғидан ажратилганда вазни тегишли равишда 363,0-401,5 ва 251,1-258,6 г, қобиғининг вазни 49,2-79,9; 43,5-60,9 г, ўзак вазни эса 77,5-105,5; 60,9-81,6 г, донининг вазни 281,8-298,6; 175,5-197,5 г бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, ўртача бир дона сўтадан қобик, ўзак, дон чиқими фоиз ҳисобида таҳлил қилинганда, ширин маккажўхорини Union F<sub>1</sub> дурагайида 1-чи ва 2-чи сўталардан экиш муддатлари ҳамда экиш схемаларига боғлиқ ҳолда қобик чиқими 12,0-18,1; 14,4-19,8 %, ўзак чиқими 18,9-24,0; 20,2-25,9 %, дон чиқими 57,3-69,1; 54,7-65,4 % ни ташкил этган.

Ширин маккажўхори Маза, Замин, Megaton F<sub>1</sub> каби нав дурагайларида ҳам сўтасининг шаклланишига экиш схемаси ва экиш муддатининг таъсир кузатилиб, юқорида келтириб ўтилган қонуният сақланиб қолган. Маълумотлар асосида таъкидлаш жоизки, ширин маккажўхори нав ва дурагайларининг дастлабки шаклланган сўталарига нисбатан кейинги сўталарда ўзак ва қобик вазни ортиб борганлиги кузатилган.


Такрорий экинда етиштирилган ширин маккажўхорини Маза, Замин, Megaton F<sub>1</sub>, Union F<sub>1</sub> каби нав ва дурагайлари ҳосилдорлиги экиш муддатлари (25.06, 5.07, 15.07) ва экиш схемаларига (60x20x1, 60x25x1, 60x30x1, 70x20x1, 70x25x1, 70x30x1) боғлиқ ҳолда 4,0 т/га дан 14,4 т/га гача ортиб борган. Тажрибада нисбатан юқори ҳосил шаклланиши ширин маккажўхорининг Маза нави 25 июнда 60x30x1 ва 70x25x1 схемада экилганда кузатилиб, 9,2-9,6 т/га ни, энг кўп сўта ҳосили эса 5 июл муддатида 60x30x1 ва 70x25x1 схемада экилганда қайд этилиб, 10,1-10,7 т/га ни ташкил этган. Ширин маккажўхорининг Маза навида эса, 15.07 муддатда экилган барча экиш схемаларида энг кам сўта ҳосилдорлиги кузатилиб, 4,0-5,3 т/га ни ташкил қилган. Замин навида ҳам экиш муддатлари ва экиш схемаларига боғлиқ ҳолда 4,1-11,2 т/га сўта ҳосили олинган бўлиб, 25.06 да экилганда 8,1-9,8 т/га, 05.07 да экилганда 8,9-11,2 т/га, 15.07 да экилганда 4,1-5,7 т/га сўта

ҳосилдорлигига эришилган. Ушбу навни 5 июлда 60x30x1 ва 70x25x1 схемада экиб етиштирилганда экиш схемалари бўйича энг юқори сўта ҳосилдорлиги кузатилиб, 9,1-11,2 т/га ни ташкил этган.

